

даромадлари ва фаровонлигини оширишда, барча хунармандчилик соҳалари каби каштадўзлик хунари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда анъанавий каштадўзликка алоҳида эътибор қаратилди.

Андижондаги маҳаллий бозорларни ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, эркалар дўппилари турларига қараб, ҳар бири 40 - 80 минг, кизлар дўппилари эса 10 - 50 минг, чорсилар 2-20 минг, ёстиқ ғилофлари кашталари 10-20 минг сумгача сотилмоқда.

Халқимизнинг кашта буюмларига бўлган эҳтиёжини билиш мақсадида 50 та саволдан иборат анкета саволлари тузиб чиқилди. Анкета саволлари асосида Фарғона вилоятида, Наманган шаҳрида ва Андижон шаҳри ҳудудида сўровнома ўтказилди. Бунинг натижасида аҳолининг кашта буюмларига бўлган эҳтиёжи ва меҳнат ресурслари ўрганиб чиқилди. Анкета саволлари асосидаги сўровнома натижасида

аниқланишича, 16 % фуқаронинг оналари каштачилик билан шуғулланишган. Фарзандлари каштадўзлик хунаридан хабардор. Сўралганларнинг 89 % и аёллар дўпписи ҳозирги кунда ҳам керак эканлигини, 80 % и эркалар дўпписи керак эканлигини, 79 % и кашта тикишда нималардан фойдаланиш мумкинлигини ва тикишга кизиқиши борлигини кўрсатди.

Юқоридаги анкета саволлари асосидаги кўрсаткичларидан билиш мумкинки, республикаимизда ривожланган Ғиждувон, Бойсун, Нурота, Бухоро каштачилик мактаблари каби Андижон, Наманган, Фарғона, Марғилон каштачилик мактаблари ҳам уз ўрнини кўрсатиб келмоқда.

Янги иш ўринларини ташкил этиш ҳамда шу асосда аҳоли бандлиги ва фаровонлигини ошириш мақсадларини самарали ҳал этишда анъанавий каштадўзликни ривожлантириш салмоқли аҳамият касб этмоқда.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Юсак маънавият - енгилмас куч. -Тошкент: “Ўзбекистон”, 2008.
2. Бернштам А. Н.Киргизский народный повествовательный узор- Киргизский национальный узор. - Ленинград-Фрунзе: 1948.
3. Писарчик А.К. Народное прикладное искусство таджиков. –Душанбе: 1987.
4. Симаков Н.Е. Искусство Средней Азии. Сборник орнаментов и узоров, снятых с натуры на памятниках арх. и предметах гончарных ткацких, ювелирных и пр. в 1879. СПб., 1883.
5. Тарасов А.Н. Народное вышивки Бухары. Декоративное искусство. 1957.
6. Уразов М.Б. Каштадўзлик ва тўқимачилик хунарига оид атамалар. Ўзбек тили ва адабиёти. 1996. № 6, 47-49-б.

Мақолада ўзбек анъанавий каштадўзлигининг спектрал-вариативлиги физика, математика, кимё, технология ва ҳоказо фанлар интеграцияси асосида баён қилинган.

РЕЗЮМЕ

В статье описывается спектральная изменчивость узбекской традиционной вышивки, основанная на интеграции физики, математики, химии, технологии и т.д.

SUMMARY

The article describes the spectral variability of Uzbek traditional embroidery, based on the integration of physics, mathematics, chemistry, technology, etc.

ЎЗБЕК ТИЛИ ДАРСЛАРИДА АРАЛАШ ТАЪЛИМ УЧУН ЎҚУВ КОНТЕНТИНИ ЯРАТИШ ВА ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ ҲАҚИДА

Ш.Ш.Юлдашева – педагогика фанлари номзоди, доцент

Г.А.Осупова – ассистент-ўқитувчи

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: аралаш таълим, ўзбек тили, давлат тили, рақамли технологиялар, интерфаол машқ, интерфаол диктант, “Savodxon”.

Ключевые слова: смешанное обучение, узбекский язык, государственный язык, цифровые технологии, интерактивное упражнение, интерактивный диктант, “Savodxon”.

Key words: blended learning, Uzbek language, digital technologies, interactive exercises, interactive dictator, “Savodxon”.

Ўзбекистон Республикасида давлат ва жамиятни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясига, олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясига, ўзимиз фаолият юритаётган таълим муассасаси томонидан танланган устувор йўналишларга, манзилли ҳаракатлар дастурига таяниб, ислохотларнинг олдинги сафида бўлиш тақозо қилинаётган шароитда педагоглар анъанавий ва замонавий ўқитиш усуллариини интеграциялашга аҳамият қаратишмоқда. Бундан ўзбек тилини ўқитиш жараёни ҳам мустасно эмас. Аксинча ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мақоми ортиб бораётган даврда уни ривожлантириш ва ўқитиш методикасини такомиллаштиришга эътибор янада кучайиши табиий.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқени тубдан ошириш чоратadbirlари тўғрисида”ги фармонида кўра халқимизнинг кўп асрлик маданий, илмий-маърифий ва бадиий тафаккури, интеллектуал салоҳиятининг ёрқин ва бебаҳо маҳсули бўлган ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун – 21 октябрь санаси «Ўзбек тили байрами кuni» деб эълон қилинди, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Давлат тилини ривожлантириш департаменти ташкил этилди. Айниқса мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида, жумладан,

давлат бошқаруви, замонавий ва инновацион технологиялар, саноат, банк-молия тизими, ҳуқуқшунослик, дипломатия, ҳарбий иш, тиббиёт ва бошқа соҳаларда давлат тилининг имкониятларидан тўлиқ ва тўғри фойдаланишга қаратилган ишларни амалга ошириш қаторида давлат тилининг ахборот ва коммуникация технологиялари, хусусан, Интернет жаҳон ахборот тармоғида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш, ўзбек тилининг компьютер дастурларини яратиш ва халқимиз ҳамда чет эл фуқаролари учун ўзбек тили дарсликлари ва электрон дастурларни ишлаб чиқиш ва уларни кенг миқёсда тарқатиш каби вазифаларнинг белгилаб берилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим [1]. Бу борада таълим муассасаларида ўзбек тилини давлат тили сифатида ўқитиш масаласи янада долзарблик касб қилади. Дарҳақиқат, бўлажак мутахассиснинг касбий лаёқати ва маҳорати ҳозирги даврда ўз касби доирасида қўлланадиган соҳа терминларини, давлат тилида иш юритиш малакасини, нутқ маданияти асослари ҳамда нотиклик меъёрларини ҳам билишни тақозо этмоқда. Шу билан бирга ўзбек тили ўқитувчисининг мақоми ҳам тубдан ўзгармоқда. Эндиликда у ягона ахборот манбаси ва дарсининг олий ҳаками вазифасини бажара олиши мумкин эмас. Ҳозирда унинг вазифалари талабаларнинг мустақил таълим олишини ташкил қилиш ва қўллаб-қувватлаш,

улар билан мулоқот қилиш, шунингдек, талабаларнинг жамоавий лойиҳавий ишларини олиб бориш билан боғланмоқда. Иккинчидан, ўзбек тили ўқитувчиси педагогик дизайн маҳоратини ва етарли компьютер саводхонлигини эгаллаши талаб қилинмоқда. Зеро, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида ҳам таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш бўйича бир қанча тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган бўлиб, улар орасида қуйидагилар профессор-ўқитувчилар фаолияти билан узвий боғланади:

таълим жараёнини рақамли технологиялар асосида индивидуallashtiriш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг жорий этиш;

миллий электрон таълим ресурслари яратилишини жадаллаштириш, хорижий электрон таълим ресурсларини таржима қилиш ишларини ташкил этиш, таълим жараёнида электрон ресурслар салмоғини босқичма-босқич ошириб бориш, электрон ўқув адабиётлар яратиш, уларни мобил қурилмаларга юклаб олиш мақсадида қутубхоналарда QR-код ёрдамида электрон ресурслар ҳақидаги ахборотларни жойлаштириш тизимини яратиш;

таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, таълим жараёнида халқаро микёсда кенг қўлланиладиган замонавий дастурий маҳсулотлардан фойдаланишни ривожлантириш кабилар [2].

Маълумки, бу вазифаларнинг ижроси жаҳонда таълим индустриясида бўлаётган инновацияларни ўрганиш билан узвий боғланади. Дарҳақиқат, жаҳон тажрибалари ҳали чуқур текширишларсиз, фақат танишиш учун ўрганиб чиқилганидаёқ уларнинг қатор афзалликлари намоён бўлади. Бинобарин, компьютер технологияларининг, хусусан, электрон таълимнинг тил ўқитиш соҳасидаги бекиёс ўрни ҳақида баҳслашиб ўтириш орқича эканлиги ҳаммага равшан. Компьютерни тил таълимида қўллаш бу шунчаки, урф деб қаралмаслиги керак, аксинча, қайси ўринда ўқитиш методикаси самарали натижа бермаётган бўлса, шу жараёнга компьютер технологиясини татбиқ қилиш заруриятини ҳисобга олиш зарур [3].

Маълумки, дастлаб таълим жараёнида электрон дарслик, электрон ўқитувчи тушунчалари пайдо бўлганида аксарият ўқитувчиларда хавотир пайдо бўлди. Бунинг сабаби дарс жараёнида ўқитувчининг роли пасайиб кетиши ёки фақат бошқарувчи вазифасини бажариб қолиши мумкин деб қаралганида эди. Ваҳоланки, бугунги кунга келиб электрон дарсликлар, электрон ресурслар воситасида ўқиш-ўрганиш жараёни учун ўқитувчининг аралашувиغا эҳтиёж қатта эканлиги бу фикрнинг мутлақо нотўғри эканлигини исботламоқда. Шунинг учун ҳам электрон таълимни анъанавий таълим билан уйғунлаштириш тақозо қилинади.

Дунё таълим тизимида XX аср охири ва XXI аср бошлари янгидан янги атамаларнинг кириб келиши билан ўзига хослик касб этади. Хусусан, edtech (таълим технологиялари), e-learning (э-таълим), blended-learning (аралаш таълим) атамалари ҳаётимиз билан узвий боғланди. Электрон дарсликлардан то масофавий таълим, булутли технологиялар, оммавий очик онлайн курсларигача бўлган таракқиёт таълим шакллариининг ҳам такомиллашишига омил бўлди [4].

Маълумки, таълим шакллари (лотинча форма – ташқи кўриниш) – бу ўқув жараёнининг мавжудлиги, унинг ички моҳияти, мантиқи ва мазмуни учун қобик. Таълимнинг қуйидаги асосий шакллари мавжуд: анъанавий ўқитиш – юзма-юз – лицом к лицу, face to face learning; масофавий ўқитиш – дистанционное образование, distance learning; очик ўқув курслари – открытое обучение, Open learning; мослашувчан

ўқитиш – гибкое обучение, Flexible learning; аралаш ўқитиш (таълим) – смешанное обучение, Blended learning; электрон ўқитиш (таълим) – электронное обучение, E-learning.

Биз ўз тажрибаларимизда бошқа фанлар методикасида кузатилаётгани каби ўзбек тилини ўқитишда анъанавий таълимнинг электрон таълим ва масофавий таълим билан уйғунлашган тури, яъни аралаш таълимнинг самарасини кўрмоқдамиз.

Деклан Берн урфга айланган "blended learning" (аралаш таълим) ҳақида шундай ёзади: Ушбу атама бир нечта ўқитиш методларини ўз ичига олган ўқув натижаларига ишора қилади ва айни пайтда муайян вақтда электрон таълим ва мустақил таълим уйғунлигидаги турли хил фаолият турларини камраб оладиган таълимни тавсифлаш учун қўлланилади [5]. Умуман аралаш таълим бой педагогик тажрибадан самарали фойдаланишга қаратилган бўлиб, унинг қалити кам харжлар билан юқори самарага эришиш учун ахборот коммуникация воситаларини, яъни рақамли технологияларни тўғри танлаш ва уйғунлаштиришда намоён бўлади.

Бу тизимда ўқитувчи таълим марказида қолади ва интернет имкониятларидан кенг ва самарали фойдаланади. Blended learning масофавий таълим (Distance learning), синфхонада таълим (Face-to-Face learning) ва интернет орқали таълим (Onlin learning)дан иборат.

Ўзбек тили машғулотларида татбиқ қилинаётган аралаш таълимнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат: аниқ назарий маълумотларга асосланиш; таълим олувчилар ва таълим берувчи ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик; таълимнинг шаффофлиги.

Ўзбек тили машғулотлари учун аралаш таълимни татбиқ этиш босқичлари қуйидаги тартибда бўлади:

1. Ўрганилиши назарда тутилган мавзуга мос ўқув материални ихчам тарзда тайёрлаш, амалий ўрганиш учун интерфаол машқ ва топшириқлар, интерфаол диктантлар яратиш, уларни босмадан чиқариш ёки тил таълимига оид чекланмаган электрон ўқув нашрлари, электрон манбаларни яратиш ва таълим олувчиларга тақдим қилиш, жумладан:

а) ўқув материаллари модулларга ажратилган ўргатувчи дастурлар; б) имло ва пунктуация қоидаларини мустаҳкамлашга ёрдам берувчи электрон ўқув нашрлар; в) ўзбек тили синтаксиси ва пунктуацияси бўйича қоидалар жамланган ўргатувчи дастурлар; г) электрон луғатлар: электрон имло луғати, электрон изоҳли луғат, синонимлар, омонимлар, антонимлар, фразеологизмлар, тасвирий ифодаларнинг электрон луғатлари; д) ўзбек тилидан интерфаол машқлар ва диктантлар; е) тест дастурлари; ё) ўзбек тилидан электрон жадваллар; ж) ўргатувчи аудиодастурлар ва ҳ.к.

2. Матнларни мультимедиялаштириш орқали ўқитувчининг мавзуни батафсил тушунтиришига ўрин қолдирмайдиган тарзда тақдим қилиш (матн, овоз, жонли ҳаракат, график тасвир: жадваллар, алгоритмлар)

4. Тақдим қилинган материалларни ўрганиш учун кўрсатма бериш.

5. Тақдим қилинган материалларнинг талабалар томонидан мустақил ўрганилиши.

6. Дарс жадвалига асосан белгиланган машғулотда талабаларнинг дарслик ва ўқув қўлланмалар, бадий ва илмий адабиётлар, электрон ресурслар устида ҳамкорликдаги ишини ташкил қилиш.

7. Ўқув лойиҳалари ва кейс-топшириқларини бажариш.

8. Ўрганилган мавзулар бўйича назорат ишларини ташкил қилиш ва баҳолаш.

Аралаш таълимни амалга ошириш давомида талабаларга ўз фикрларини билдириш учун имконият бериш, таълим олувчиларда ўзига ишонч ва фанга мотивация уйғотиш, ўзлаштириши паст бўлган таълим олувчиларга бошқа иқтидорли таълим олувчиларнинг

ёрдамини ташкил қилиш, “суфлёр” ролини табиий деб қабул қилиш, таълим олувчиларнинг паст баҳоларини юқорилатишга имкон бериш кўзда тутилади.


Аралаш таълимни ўзбек тили дарсларида қандай татбиқ қилмоқдамиз? Маълумки, ўзбек тили амалий йўналишдаги фан саналади. Коммуникатив-нутқий ёндашув асосида тузилган фан дастурига таянган ҳолда талабаларга нутқий мавзулар ва ўзбек тили грамматикасига оид ўргатувчи дастурлар ҳамда қайта кўчириб ёзиш талаб қилинмайдиган репродуктив ва қисман изланувчанликка асосланган интерфаол машқлар тайёрланди. Улар “Savodxon” мультимедия иловаси сифатида жамланди.

Биз татбиқ қилаётган аралаш таълим анъанавий таълимга кўмакчи, балки уни қўллаб-қувватловчи сифатида хизмат қилмоқда. Ўзбек тили дарслари анъанавий усулда белгиланган дарс жадвали бўйича аудиторияда ташкил қилинмоқда. Бунда талабалар фаннинг хусусиятлари, асосий ва қўшимча адабиётлар, шу билан биргаликда электрон манбалардан фойдаланиш ва мустақил бажарилиши кўзда тутилган ишлар бўйича услубий маслаҳатлар оладилар. Семестр охирида ўзлаштирилган билим, малака ва кўникмалар анъанавий усулда баҳоланади. Шу билан биргаликда талабалар институтнинг Moodle (213.230.91.135) тизимида “Ўзбек тили” фанидан жойлаштирилган ўқув материалларидан фойдаланишади. Талабалар ўрганилиши кўзда тутилган мавзуларга оид қўшимча манбалар билан танишадилар ва муайян назорат ишларини онлайн тизимда топширишади. Биз барча талабаларнинг деярли институтга келмасдан интернет орқали таълим олишларини назарда тутмадик. Фақат сиртки бўлимда тахсил олаётган талабалар бундан мустасно. Улар аксарият мавзуларни интернет тизимида мустақил шуғулланган ҳолда ўқитувчи билан чат, форум, электрон манзил, мессенжерлар орқали мулоқот қилиш орқали ўзлаштиришга йўналтирилди. Бу талабаларга Ўзбек тили фани учун ўқув материаллари матн, аудиоматн, видеоролик, турли, жадваллар, схемалар, фотоматериаллар ва манбаларга ҳаволалар (гипермувожаатлар) билан тақдим қилинмоқда. Сиртки бўлим талабалари ҳам “Имло қоидаларини ўрганамиз”, “Пунктуация қоидаларини ўрганамиз” электрон ўқув нашрлари, “Savodxon” мобиль иловаси билан қўшимча манба сифатида таъминланган. Талабаларнинг билим, малака ва кўникмалари интерфаол машқларни ва диктантларни бажариш, матн яратиш, электрон хатлар ёзиш каби шаклларда назорат қилинмоқда. Маълумот алмашиш жараёни файл жўнатиш ва қабул қилиш шаклида амалга оширилмоқда. Бажарилган ишларнинг баҳолалини эса ишнинг тўғрилиги, сифатига оид тавсиялар ва мулоҳазалар ёки баҳо шаклида белгиланмоқда.

Аралаш таълимни ташкил қилишда “Savodxon” мобиль иловасининг аҳамияти ўзига хос бўлмоқда. Мазкур илова ОТМлар бакалавр таълим йўналишларининг таълим қорақалпоқ, қозоқ, туркман тилида олиб бориладиган гуруҳларида Ўзбек тили фанидан дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этишда фойдаланиш учун мўлжалланган. Мобиль илованинг вазифаси фан доирасида ўрганилиши назарда тутилган нутқий ва грамматик мавзулар бўйича интерфаол машқлар ва интерфаол диктантлардан фойдаланиш орқали янги мавзунини мустақамлаш жараёнини енгиллаштириш, дарсда ўқитувчи ва талабаларнинг амалий фаолиятини автоматлаштириш, талабаларнинг билим, малака ва кўникмаларини назорат қилиш, тез ва адолатли баҳолашдан иборат.

“Savodxon” мобиль иловасидан фойдаланувчилар ихтиёрий модулни танлаш, машқларга ўтиш, уларни бажариш орқали ўз-ўзини баҳолаш, автоматлаштирилган баҳолаш натижалари билан танишиш, натижаларни скриншот қилиб, фан

ўқитувчисига ёки гуруҳдошларига жўнатиш каби бир қатор ҳаракатларни осон бажаришлари мумкин. Илова таълим олувчиларнинг фанга қизиқишини орттиришга, шу билан биргаликда ўқитувчилар вақтининг тежалиши, кам куч ва вақт сарфлаб юқори самарага эришишга хизмат қилади. Унга 15 та модул бўйича ҳар бир модулга тегишли 10 та, жами 150 та интерфаол машқлар ва диктантлар талабанинг ўзини ўзи назорат қилишига қулай шаклда жойлаштирилди (1-расм). Ҳар бир модулдаги 10 та машқ соддадан мураккабга томон тузилган бўлиб, улар турли интерфаол диктантларни қамраб олади. Луғат диктант, сайланма диктант, изоҳли диктант, қолип диктант, ўз диктант, таржима диктант каби анъанавий диктантлар интерфаол диктантларга айлантирилди.



1-расм. «Savodxon» мобиль иловаси: муқова, бўлимлар, модуллар, машқлар

Кундузги таълим шаклида тахсил олаётган талабалар томонидан мазкур мобиль иловада қўйилган топшириқларнинг уйда мустақил бажарилишидан сўнг аудиторияда (face-to-face sessions) автоматлаштирилган баҳолашга оид интерфаол машқ ва диктантларнинг тахлили амалга оширилади. Бу жараёнда талабалар яққа, кичик гуруҳларда, шунингдек ҳамкорликда фаолият олиб боришади. Бу жараён аниқсас, аралаш таълимни татбиқ қилишнинг дастлабки босқичида ўқитувчидан анъанавий усулдаги дарсга нисбатан кўп вақт ва куч талаб қилишини эътиборга олган ҳолда гуруҳдаги ўзлаштириши яхши ва аъло бўлган талабаларнинг ассистент вазифасини бажариши мақсадга мувофиқ бўлади. Бу методга кўра аудитория иши мураккаб нутқий ва грамматик мавзунинг назарий қисмини таҳлил қилиш ва ўқувчиларнинг уй вазифасини бажариш жараёнидаги саволларига жавоб беришга бағишланади. Шу тариқа дарсда ўқитувчи устунлигидан талабанинг устуворлигига ўтилади.

Аралаш таълим асосидаги машғулоти муайян 3 қисмга ажратиб олганимиз маъқул бўлади.

Кириш қисм. Асосий қисм. Якуний қисм.

Кириш қисми олдин ўрганилган мавзу бўйича уйга берилган топшириқларнинг бажарилиши (модул тизимидаги, босма ва электрон адабиётлардаги ўқув топшириқлари), талабалар ва ўқитувчи ўртасидаги савол-жавоблар асосида ташкил қилинади. Талабалар янги мавзунини ўрганишга тайёрланади.

Асосий қисмда ўрганилаётган янги мавзу бўйича топшириқлар, матн, аудио ва видео материаллар, расмлар асосида суҳбат, янги сўзлар ва атамалар талаффузи ҳамда имлосини ўрганиш, лексик ва грамматик материаллар билан танишиш амалга оширилади.

Якуний қисмда талабаларнинг ўз-ўзини ва кичик гуруҳлардаги ишларини баҳолаш, кейинги мавзуга қизиқтириш учун муаммоли топшириқлар бериш мумкин. Баҳолашда эса шаффофлик ва адолат таъминланади, гуруҳдагилар ўзларининг ва бошқаларнинг ўзлаштиришларини кузатади, автоматлаштирилган баҳолаш натижаларини оладилар, бир-бирларини баҳолайдилар.

Аралаш таълим асосидаги ўзбек тили машғулотида ўқитувчи назорати остида талабалар мавзунинг қизиқарли ва мунозараларга бой жиҳатларини юзага чиқаришга интилишади, лексик ва грамматик масалаларни ҳал қилиш учун қўшимча

лингвистик, энциклопедик луғатларга мурожаат қилишади. Шу тарика талабалар ўқитувчи томонидан қўйилган топшириқларни бажариш учун ахборотларни излаш ва саралаш, қайта ишлов беришга одатланилар. Тавсия қилинган манбаларни топа олмасалар, ўқитувчи HTML, DOC, AVI, MP3 форматлардаги ўқув материалларини юклаб олиш учун манзилларни юборади. Демак, ўқитувчи мулоқотни мунтазам қўллаб-қувватлаб туради.

Аудиториядаги машғулотдан сўнг талабалар уйда янги мавзу учун амалий ишларни тугатишади, ўрганилган мавзунини мустаҳкамлаш учун яна интерфаол машқлар ва диктантларни бажаришади. Талабалар бу жараёнда ҳам нафақат ўқитувчи билан, балки бир-бирлари билан мулоқотни давом эттиришади. Онлайн мулоқотда саволларга қисқа муддатда жавоб олиш имконига эга бўлишади. Хуллас, аралаш таълимни ўзбек тилини ўрганиш жараёнига татбиқ қилиш давомида бу таълимнинг ниҳоятда мослашувчан ва қулай имкониятларга эга эканлиги кузатилмоқда. Яъни янги ўқув йили бошланишиданок ўқитувчи ва талабаларнинг ўзбек тилидаги мулоқоти аудиторияда ҳамда онлайн ва офлайн тизимда бошланади: талабалар ўқув дастурида қўрсатилган анъанавий адабиётлар рўйхати билан биргаликда электрон адабиётлар ва таълимий веб-сайтлар ҳамда логин, пароль(ўрон)лар, мессенжерлар манзиллари ҳақидаги маълумотларни олишади.

Ўзбек тили дарсларида аралаш таълимни татбиқ қилиш жараёнида қуйидаги ижобий жиҳатлар кузатилади:

талабаларда зарур билим, малака ва кўникмаларни эгаллашга интилиш кучаяди;

таълим берувчи ва олувчиларда ижодкорлик орта боради;

талабаларнинг ютуқлари ва камчиликлари ҳақида мунтазам маълумотга эга бўлиш имконияти ортади;

фаннинг мақсад ва вазифаларига, талабаларнинг аниқ имкониятлари ва эҳтиёжларига мувофиқ, ўқув жараёнини бошқаришга қулай ўқитиш усуллари ва таълим воситалари танланади;

талабаларнинг эҳтиёжлари, муайян аудитория хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўқитишнинг анъанавий, интерфаол усуллари уйғунлаштирилади ва такомиллаштирилади;

ўқув фани учун методик таъминот янгиланиб боради;

ўқитувчида аралаш таълимни ташкил этиш бўйича касбий компетентлик орта боради.

Албатта, аралаш таълимдан фойдаланиш борасида

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони. <http://lex.uz/docs/4561730>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”. <http://lex.uz/docs/4545884>
3. Yuldasheva Sh. O'zbek tili ta'limida zamonaviy axvorot texnologiyalari. Ma'ruzlar to'plami. – Nukus. 2017
4. Магомедова К.Т. Этапы развития электронного обучения и их влияние на появление новых технологических стандартов качества электронного обучения. Bulletin of the South Ural State University. Ser. Education. Educational Sciences. 2015, vol. 7, no. 2, pp. 22–29. <https://vestnik.susu.ru/ped/article/viewFile/3647/3335>
5. Declan Byrne, Blended learning. http://www.trainingreference.co.uk/blended_learning/bldacg1.htm

РЕЗЮМЕ

Мақолада ўзбек тили машғулотларини аралаш таълим асосида ташкил қилишнинг принциплари, босқичлари, усуллари ҳақида сўз юритилади. Аралаш таълим учун ўзбек тилида контент яратиш ва ундан фойдаланишнинг ўзига хослиги, бунда анъанавий таълим ва элетрон таълимни уйғунлаштиришнинг баъзи масалалари таҳлил қилинади. Хулосада аралаш таълимни татбиқ қилиш жараёнидаги қийинчиликлар борасидаги мулоҳазалар келтирилиб, мазкур таълимни самарали ривожлантириш йўллари кўрсатиб берилади.

РЕЗЮМЕ

В статье речь идёт о принципах организации занятий узбекского языка на основе смешанного обучения. Анализируются некоторые вопросы создания контента на узбекском языке для смешанного обучения и своеобразия его применения, гармонии традиционного и электронного образований. В выводах приводятся обсуждения по трудностям процесса пропаганды смешанного обучения, указываются пути эффективного развития данного вида обучения.

SUMMARY

The article discusses the principles, stages, and methods of organizing Uzbek language classes on a mixed basis. The peculiarities of creating and using Uzbek language content for mixed education are explored in some of the issues of integrating traditional education and e-learning. The conclusion provides an overview of the challenges of implementing a mixed education approach and outlines the ways in which this education can be effectively developed.